



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№155 (8.584)

1994 йил

30 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Халид Маликни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларга тўхталар экан, бу борада БМТ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Халид Малик самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, кўплаб халқаро ташкилотлар жамиятни демократиялаштириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга катта қизиқиш билан қараётганини айтди.



"Малика" акциядорлик жамиятининг лобарлари кириб келаётган Янги йилни муносиб меҳнат тухфалари билан қутиб олмақдалар. Кўп кишилик жамоанинг илгорларидан бири — Гўзал Эртиқова ҳам ҳаммас билан дунёларига намуна бўлган ҳолда ишлаб махсулот сифатига муҳим ортиқовни қаратмоқда. Харидорлар дидига мос келадиган махсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш—Гўзалхоннинг 1995 йилдаги асл мақсадидир.

Қозим Ўлмасов олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Республика Олий Кенгаши XVI сессияси қарорига биноан 1994 йил 25 декабрь куни биринчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов бўлди.

Тошкент шаҳрида — 86,2 фоизни; Андижон вилоятида — 96 фоизни; Бухоро вилоятида — 94,6 фоизни; Жиззах вилоятида — 95,2 фоизни; Наманган вилоятида — 97,2 фоизни; Самарқанд вилоятида — 93,8 фоизни; Сирдарё вилоятида — 95 фоизни; Сурхондарё вилоятида — 94,4 фоизни; Тошкент вилоятида — 89,5 фоизни; Фарғона вилоятида — 94,9 фоизни; Хоразм вилоятида — 96,9 фоизни; Қашқадарё вилоятида — 96,9 фоизни; Қорақалпоғистон Республикасида — 96 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ҳамма жойда уюшқоқлик билан сайлов ҳақидаги қонун талабларига мувофиқ тарзда, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтди. Сайлов кунин сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш пайтида 30 га яқин мамлакат, халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан 68 кузатувчи ҳамда "Рейтер" ва "Интерфакс" агентликлари, "Би-Би-Си" радиокорпорацияси, "Останкино" телекомпанияси, "Либерасьон" ва "Нойс шорхер пайтунг" газеталари сингари хорижий оммавий ахборот воситаларининг 10 нафар вакили ҳозир бўлди.

ХУШ КЕЛДИНГ, САФО КЕЛДИНГ!

Умринг яна бир йили ўтди. Тарихнинг яна бир саняси мезгилга чекилди. Биз энди ўтиш деб атайдиган 1994 йил билан хайр-қўшларар эканмиз, унга ташаккур айтаемиз. Оқиди фуқаро кўзи билан қарасак, йил давомида нарх-наво бир мунча ошди ва айни вақтда маош, нафақа, яна бир неча хил давлат тўловлари ҳам шунга яраша кўтарилди.

Ҳамид ГҲЛОМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Мустақил ватанимиз келажиги — болаларга гамхўрлик қилиш, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишиши учун шароит яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизқўжаев болаларга юртбошимиз Ислам Каримов номида қимматбаҳо совға-саломлар топширди.

Шуниси диққатга сазоворки, бундай тадбирлар янги йил арафасида мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларида ўтказилаётган Минглаб болаларга Президентнинг янги йил совғалари топширилмоқда, уларнинг қўлига олинмоқда.

Шаҳар сайлов комиссиясида АХБОРОТ

28 декабрь куни Тошкент шаҳар сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар натижалари кўриб чиқилди.

Барча 60 та округда сайловлар бўлиб ўтган, деб ҳисобланди. 48 та округда депутатлар сайланди.

Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар қонуналарга риоя этилган ҳолда ўтди ва сайловчиларнинг фаоллигини намояндалаштирди.

ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИГА — "СОВҒА"

Янги йил 88 минг 120 нафар Ўзбекистонлик учун жуда кутлу келди. Зеро, қудди шунча киши 28-29 декабрь кунлари ўтказилган Республика "Соғва" пул-буқом лотереяси қимматбаҳо ютуқларининг соҳиблари бўлишди.

Шунингдек, "Ўзбексавдо" ва "Ўзбекбирлашув" бўлган янги лотереянинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтди.



Абдували АББОВСОВ, СУРАТДА: "Соғва" лотереясининг ютуқлар тиражи ўйнаётган лотари. Виктор Багаев олган сурат.

Ушбу бир қарвон бор дунёда. Унинг борар маъноси абадийлик. Унинг таъинланган махсулоти — озу-умидлар, армонлар, келажак учун фидойилик. Унинг қарвони эса Вақт. Ушбу қарвоннинг номи йиллар қарвони.

Ўзбекистонга ҳалол меҳнати фидойиликни, озоқли йўлда, фаровонлик йўлига чеklangан заҳмату барқарор, қардошнинг биродарлигини ортмоқдиган 1994 йил ҳам бутун маънавиятга етиб келиб, абадиёт эгини зулфларини қоқиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси конунининг 42-моддасига мувофиқ 1995 йил 8 январь куни қайта овоз бериш ўтказилди.

ЙИЛЛАР ҚАРВONI

тақдирлик тўйимизнинг давоми бўлди. Ушбу ёзувчи шайинга айтган сўзлар мустақиллигимиз йўлида жон фидо этанларга айтилган марсилик жарашилди. Адиб абадиётнинг таслими бўлди.

рўс раҳбарлари ҳам юртимизга худди шундай ташириф буюрдилар. Юртимиз келажиги унинг эртаниги истиколиб, истиқлолимиз берган баът ҳақида баҳтовар Асосий Конунимиз — Конституциямиз қабул қилинганнинг икки йиллиги татаналарида ҳам сўз борди.

Ўтган бу сиёсий тадбирда юртимиз фуқаролари фаол иштирок этдилар. Бу йилги қарвонимиз ана шундай йилларни босиб ўтиб келди. Унга ҳаммамиз бир овоздан шундай деймиз: худди қарвонимиз, соғва раҳмат! Тарих саҳифаларида қолмаж изларини, сўзларини қутлуғ бўлсин!


Эртата эса янги қарвон йўлга тушди. Бу қарвон ҳам азгулик, фидойилик, истиқбол режалари йла йўрилган. Эди, янги қарвон бўлиши 1995 йил, қутлуғ маъна сари бошланган йўлни муборак босин!



Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида"ги қарорин қабул қилинганга халқ унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай бу борада анча-мунча ишлар қилиб кўйилди. Айни пайтда "Тошкент уй-жойинвесткурилиш" корпорацияси томонидан пойтахтнинг Беруний, Генерал Узоқов, Ниезов, Гафур Гулом, Бобур, Самарқанд дарбоза, Фурқат ҳамда Форобий кўчаларида бир неча турар жой бинолари қурилиши тезкорлик билан олиб боришмоқда. Янги йил арафасида биз мана шундай қурилиш майдонларидан бири бўлган Самарқанд дарбоза мавзёда бўдик. Бу ерда корпорацияга қарашли йирик ҳажмли блок тажриба уй-созлик комбинатининг конвейерли қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тер тўқшишмоқда.

АНГИЛАНАЁТГАН ЭСКИ ШАҲАРДА

ДАСТЛАБКИ БИНО ТАЙЁР



шайнади. "Бу ҳали бошланиши, дейишди улар қулиб, — бино тўла сайқалдан чиққандан кейин кўрасиз, маҳоратимизни". Уларнинг ишлари борака тилаб хайрлашди. Шу бино билан енма-ен қад кўтарган иккинчи уйга яқинлашди. Унинг саккизинчи қаватида пайванд ишлари олиб борилаётди. Қурилиш майдони бунёдкорлар билан гавжум. Иккита минорали краннинг "хартуми" бир зум ҳам тинмайди. Улар юқори қаватларда ишлаган пайвандчиларга зарур бўлган ускуналарни ўз муддатида етказиб туришибди. Кранларни бошқарётган азаматлар ҳам шу ерда учратдик. — Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг маъмур қароридан Тошкент шаҳри-

нинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилишни тезлаштириш мақсадида ҳар бир кўчада олиб бориладиган қурилиш-тиклаш ишлари учун аниқ бош пулрақчилар белгилаб қўйилган. Масалан, бизнинг корпорациямиз Форобий кўчасининг 2-участкасини ва Чимбой-Чигатой кўчасини қайта қуриш ва шу кўчаларда бунёд этиладиган уй-жой ва ижтимоий-маданий-маиший иншоотларни қуриш бўйича бош пулратчи этиб тайинланган. Ҳозир шу йўналишда иш олиб бораёмиз.

"Қурилиш учун барча материаллар етарлими", деган саволимизга мутасаддилар мамнуният билан, "Бу борада ҳеч қандай камчилигимиз йўқ", дея жавоб беришди.

Корпорациянинг 3-қурилиш-таъмирлаш бошқармасининг Сергей Рябов, Зокир Жумаев бош бўлган бунёдкорлари ҳам ушбу қурилиш майдонида анчадан бери тер тўқияпти.

— Мана шундай масъулиятли вазира бизга ишониб топширилганидан бениҳоя мамнунимиз. Орадан маълум муддат ўтиб, биз тиклаётган биноларга Эски шаҳарликлар кўчиб қирғанда уларнинг қувончларида бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрлимиз юрамиз, албатта.

Қурилиш майдонини тарқатаётганимизда атрофга тун селини ея бошлаган эди. Қурувчилар эса бир зум суръатини сусайтиришмасди. Бироз ўтга майдон узра электр чироклари полади. Демак, қизгин меҳнат ҳали-бери тугамайди, у тунда ҳам давом этади.

Маҳмуд КОМИЛДЖОНОВ, СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар.

РАҲМАТ, АЗИЗЛАР!

Исонда бахт ва қувонч ҳар хил бўлар экан. Бирон уй қурса ва ичига омон-эсон кўчиб кира — бахт. Ёки яшашга қийин бўлган уйни чикса, ҳосилга кирса, уни нест-нобуд. Қилмай йиштириб олинган — бахт. Харид қилиб олган "Совет" лотереяга тилдам еки машина ютсанг — бу ҳам бахт ва қувончдир.

Мен эса ўзимча бахтиерман. Яқинда фарзандларим табарук ешимни нишонлаб, мўъжазгина энефат уюштириб, халққа ош бердилар. Қариндошларим, еру биродарларим, қунагай ва маҳалладошларим келиб табриқлашганда қувончм чекис эди. Пенсия ешига етганимга уч йил бўлишига қарамай ишлаб нафақатга чиққан жойим — Тошкент метрополитенини ҳодимлари, ҳамкасбларим ўша кунни келиб, бошимга дўтла, елкамга тўти қийғизини, э-а ва белимга қийғича боғлашди. Тақдиримдан севинч ёшларим оқди. Яқинлашган кўнгул байрамларимдан бири. Янги йил арафасидаги бундай ташриф, менек бир оддий инсонга кўрсатилган сазоват, меҳр-оқибат ҳеч қачон едилман чикмайди. Биргина бу эмас. Тошкент метрополитени мазмурияти ва касба уюшмаси томонидан мустақил дери-мадағи гузал масканлардан бири Фаргона водийсидаги "Чимен" санаторийида дам олишим учун имтиёзга йўлланма берилди. Бу ерда соғлиғимни тиклаб, яқин дам олиб қайтаётганимнинг ўзи бир бахт ва қувончдир.

Соёиб ҳодимларим эслаб, катта таъмирлар қўрсатган Тошкент метрополитени жамоасига миннатдорчилик билдириб, Янги йил билан самимий қўталаман. Химматингиз шуну раҳмат Силарга, азизлар!

Абдували АБУДУРАХМОНОВ, Акмаи Иброқов туманидаги Боту қўчасида яшовчи нафақахўр.

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида воқеаларга бой бўлган унутмас 1994 йил тарих саҳифаларидан ўрин олмақда. Мустақиллик шарофати ила жаҳон мамлакатлари ичра маданий-маърифий алоқаларини ривожлантириш бора-сида катта ютуқларга эришадиган Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси учун ҳам 1994 йил жуда мазмунли ва самарали кечди. Бизнинг маъмур ассоциация раисининг ўринбосари Насиба Иброқимова билан суҳбатимиз жаҳон мамлакатлари ичра ўз мавқеи ва қўламитга тобора эга бўлиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ютуқларига халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясининг қўшган ҳиссаси хусусида бўлди.

— Насиба Исмоилова, суҳбатимизни уюшманинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаридан бошласан.

— Ташкилотимизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифарлари жуда ҳам кенг. Чунки, у халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган маданий-маърифий, иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, чет эл жамоатчилигини мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ўзбек халқининг тарихи, илмий-адабий мероси, миллий қадриятлари, маданияти ва санъати билан таништириш. Ушбу республикамиз меҳнаткашлари ўртасида чет мамлакатлар халқларининг илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК

бошқа соҳаларда эришадиган муваффақиятларини омалаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қатор хорижий мамлакатларга ташрифи, Франция, ХХР, Корея Республикаси каби мамлакатлар раҳбарларининг диеримизга расмий сафарига натижасида республикамизнинг чет мамлакатлар билан алоқалари янада юқори поғонага кўтарилди. Халқаро миқёсда республикамиз нуфузининг тобора ортиб бораётганини ассоциациянинг чет эллардаги оммавий ташкилотлар, дўстлик жамоатлари, ишбилармон кишилар, савдо ахли, давлат ва жамоат арбоблари, ватандошлар билан ўрнатган алоқаларининг янада ривож топишига сезиларли таъсир қўрсатди. Айниқса, Хиндистон, Покистон, Туркия, Япония, АКШ, ХХР, Германия ва Франциядаги шерик ташкилотлар билан миллий ассоциация ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли иқтисодий-ижтимоий, маданий асосда қурилди. Бу соҳалар бўйича амалий ҳамкорлик давом этмоқда. Олимлар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, ижодкорлар каби турли касб-сўғаларини бирлаштирувчи чет эллардаги уюшмалар билан касбий алоқалар йўлга қўйилган.

— 1994 йилда ассоциация томонидан қандай муҳим тадбирлар ўтказилди?

— Республикаимизда чет мамлакатлар ҳаётидаги муҳим тарихий саналарга бағишланган тантанали мажлис ва кечалар, учрашув ва концертлар, кўргазмалар, фильмлар намойиши каби тадбирлар ўтказилиб, уларда диеримизда фаолият қўрсатётган хорижий мамлакатлар элчилик вакиллари, қўшма корхоналарда хизмат қилаётган мутахассислар, чет эллик талабалар билан бир қаторда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этишди.

Хиндистон Республика деб эълон қилинган кун, Туркия Жумҳурияти ташкил топган кун, Покистон Ислам Республикаси эълон қилинган кун, Эрон Ислам Республикаси, ХХР, Корея Халқ Демократик Республикаси, Германия, Япония, АКШ, Франция каби мамлакатлар ҳаётидаги муҳим саналар муносабати билан ўтказилган тадбирлар шулар қумлисидадир.

Наврў байрами, халқаро хотин-қизлар кунин 8-Март, буюк олим, давлат арбоби Мирзо Улуғбек тавалудининг 600 йиллиги ҳамини ўтказилган ассоциация тадбирлари айниқса файли бўлди.

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси "йил ҳамкорлигини кенгайтириш, республикамиз меҳнаткашлари ҳаёти билан танишиш мақсадида хориждан келган бир неча делегациялар юртимизда сафарда бўлишди. Корея Халқ Демократик Республикаси, Туркия, Япония, Хиндистон, Покистон, Австралия, Саудия Арабистони, Германия каби мамлакатлардан йил давомида 16 делегация, жами 115 киши ассоциация меҳмони сифатида халқимиз ҳаёти билан танишиб, республикамиз шаҳарлари бўйлаб саҳнат қилдилар.

Хорижий мамлакатларда Ўзбекистонга бағишланган тадбирларда катнашиш мақсадида ассоциация фаолларидан иборат 8 делегация — жами 83 киши чет эл сафарига бўлиб қайтилар. Турли сабабларга қўра чет элларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ассоциациянинг алоқалари мустаҳкамланди. Диеримизга сафар қилган ватандошларга ота юртлири Ўзбекистон билан танишишларида ердан кўрсатди. Республикаимизда фаолият қўрсатётган дипломатик ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, мусика кечалари, халқ амалий санъати ва таъсирли санъат асарлари кўргазмалари ташкил этилди.

Юқоридики каби қилма-қил тадбирларни ўтказишда ассоциациянинг бошланғич ташкилотлари ҳисобланмиш корхоналар, ўқув юртлири, ижодий уюшмалар, турли касб эгалари — ташкилотимизнинг фаоллари катта ердан бериб келмоқдаларки, фурсатдан фойдаланиб уларга ташаккур изҳор қилмоқчиман.

Келаси 1995 йил режаларимизнинг қўлами кенг, диеримизда ва хорижда қўлғина тадбирларни амалга оширишни мўъжазлаганимиз. Бу тадбирлар шубҳасиз республикамизнинг халқаро нуфузининг ортишига, ўзаро маданий-маърифий ҳамкорлигининг янада ривож топишига хизмат қилгусидир.

Дилшоҳ ИСРОИЛОВ
эзиб олади.



ДАСТУРХОНДАГИ НОН

— Суратли лавҳа —

Халқ ҳўжалигининг шундай тармоқлари борки, ундаги жаран қилинган, кун ва туи, соат сайини бегўхтон давом эттаверди. Бундай корхона хизматчилари хатто байрам, шанба ва дам олиш кунлари ҳам тиниб-тичишмайди. 3-нон корхонасида иш уч сменада ташкил этилган. Сиз Янги йилни кўтиб олаётган хавжонли давларда ушбу корхонанинг туғи смена новийлари меҳнат ваҳтисини бошлашди. Биз уларнинг фаолияти билан қизиқдик. — Улар жуда кўп. Бу новийларимизнинг қай бири билан таништирай сизларни. Яқинси уларнинг бир нечасининг исми ва фамилиясини айта қолай, — дейди корхона директори Мирабсор Бекбоев. — Масалан, Умида Мамадалиева, Зинаида Берикова, Рухсона Омонова, Олим Толипов, Нина Вершинагина ва бошқалар Янги йил кечаси эл хизматида бўлишди. Биз улардан бири Рухсона Омоновани суҳбатга тордик. — Корхонада иш бошлаганимга анчагина бўлиб қолди. Бирок, бунга маъсулиятим сменалар биринчи марта ишлагани. Меннинг назаримда Янги йил тантаналари давом этаётган давларда дастурхонга қўйилган нон сифатида алоҳида эътибор бериш керак. Тайёрлаган маҳсулотимиз давларда ўтирилганга манзур бўлгандагина биз новийлар эл

ишончини оқлаган бўлаимиз. Агар корхона фаолияти ҳақида қисқача тўхтайдиган бўлсак қуйидагиларни айтиш мумкин. Ҳўк йиллардан бери шаҳримиз аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлашда савобли ишла самарали ҳисса қўшиб келадиган бу корхонада ҳозирги кунда 300 дан ортиқ новий ишлайди. Уларнинг меҳнатлари билан бир кунда 80-90 тонна турли қилдаг нонлар ишлаб чиқарилади. Шундан 50 тоннасини биринчи нав, 5-6 тоннасини олий нав, қолган 20-25 тоннасини эса қора булка нонлар ташкил этади. Корхонанинг Қўйлик, Сергели ва Бодомзордаги филиаллари ҳам аҳоли дастурхонига кут-баракка қиритишда баҳоли қудрат ишламоқда. Яна бир гап. Бу ерда янгилиши жаранга ҳам узлуқсиз давом этмоқда. Эски линиялар ишини тўхтатмаган ҳолда бирин-кетини янгига алмаштирилмоқда. Утган йили Туркиядан олиб келинган 3 та электр печлари ҳозир бегўхтон ишлаб турибди. Нон пишириш ва ҳамир қорши ҳеҳларидида техника ўзгаришлари нафақат умумдорлики, балки маҳсулот сифатини оширишда ҳам муҳим омили бўлди. Мақсуд ОРИПОВ, СУРАТДА: корхона новийларининг иш фаолиятини лавҳа. Қозим Улмасов олган сурат.



"Ушбу тақлифномани чуқур хавжон билан Академиямизга эъзо бўлишга розилик беришингизни сўраб, юборилман". — Бу сўзлар Нью-Йорк Академиясининг президенти номидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Гани Мамлонов номи Сейсмология институтини директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор Музаффар Бокиевга юборилган тақлифномадан олинди. Музаффар Бокиевни ушбу Академияга эъзо бўлгани муносабати билан қутлаб, бир неча саволлар билан муурожаат қилдик.

— Музаффар Ҳалимович, аввало Нью-Йорк Академиясининг аҳамияти хусусида гапирсангиз. — Нью-Йорк Академияси жаҳондаги иккита энг нуфузли Академиянинг бири бўлиб (иккинчиси Англияда), у ўз доирасига фан ва инженеринг соҳаси вакиллари уларнинг жамият раванкига қўшган ҳиссасини ҳисобга олиб қабул қилади. 1817 йили ташкил этилган бу Академия сафида Томас Жефферсон, Жон Жеймс Одобон каби машҳур олимлар, халқаро Нобель мукофотининг 40 дан ортиқ совордорлари номлари қиритилган. Бу илмий жамият аъзолари Американинг барча 50 штатлари ҳамда дуненинг 150 дан ортиқ мамлакат вакиллари. Унинг аъзолари ҳар йили бўладиган 200 дан ортиқ анжуманлар, маърузалар, симпозиумларда катнашиш имтиёзига эга бўлган олимлардир. — Сиз қайси тадқиқотларингиз учун ушбу нуфузли илмий жамиятга эъзо бўлиш тақлифини олдингиз? — Бу саволимизга бир сўз билан лўнда жавоб бериш мушкул, аммо тадқиқотлар моҳиятини тушутириб беришга уриниб кўраман. Республи-

Фанимиз уфқлари

Музаффар БОКИЕВ:

"ИЛМ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ"

қамиз сейсмологик нуқтан назардан учта ҳудудга — Фаргона, Тошкент, Қизилқум ҳудудларига бўлинад. Фарғонада ер силкинishi кўпроқ рўй беради. Тошкентда нисбатан камроқ, Қизилқум ҳудудига эса янада кам. Ер силкинishi сабабини кўнглик тоғнинг ўсиши билан изоҳлайди. Бу гапда жон бор. Аммо бу масалага янада чуқурроқ кириб бориш зарур. Шу мақсадда биз ер қимирлашини келтириб чиқарувчи ерости нуқталаридаги тоғ жисларини ўрганишга киришдик. Уччала сейсмологик ҳудуддаги ана шундай нуқталардан тарқийб жихатдан бир хил бўлган тоғ жисларини ҳоссаларини ўргатдик. Маълум бўлишича, Фарғона ҳудудига ер силкинishi келтириб чиқарадиган тоғ жислари Қизилқумдаги тоғ жисларига нисбатан эластиклиги, яъни эгилишчанлиги кам бўлиб, салгина ташки таъсирга сиғиб ўз шаклини ўзгартираверар экан.

— Ушбу тадқиқотлар 25 йилдан буюн шуғулланиётган экан. Бу давр ичрада йўрғатқадгача қачалоқ йилгит ешига етди, шунда яил меҳнат қилиб қимдир ўй солади, қимдир машина етати солади. Сиз чорак асрдик изланишларингиз меваси сифатида нимага эришдингиз?

— Фан шундай нарсани, у олдига ҳеч нарсани ваъда қилмайди, ундан фақат фидойиликни талаб этади. Фақат фидойи инсонгина олим бўла олади. Илмдан шундай манфаат қўлага-одам қаттиқ янгилади. Ундайлар яқинси бошқа иш билан шуғулланганлари маълум. Бу турли ҳудудларда тоғ жисларининг эгилишчанлигида фарқини аниқладик. Аммо у ер силкинishi келтириб чиқарувчи жами омилиларнинг таъминан тўрт-беш фоиизининга ташкил этади, ҳоло. Бу тадқиқотларини мендан кейин ҳам келажак авлод давом эттиради. Мен ҳам устозларим академик Гани Мамлонов ҳамда ядро қуроли иxtирочларидан бири, маърух академик Микаил Садовский ишларини давом эттираман. Илк йўлни ўзи шунанка, у чегара билмайди. Олим ана шу оқирни йўқ йўлага бир йиллоқдир. Унинг меҳнатларини жаҳон тани олдики, шунинг ўзи олим учун катта мукофот. Мен Нью-Йорк Академиясининг эъзо бўлишга розилик сўраб юборган тақлифномасига ижобий жавоб йўладим. Суҳбатдош Абдували АБУДУРАХМОНОВ.

Сўз — пойтахтимиз меҳмонларига

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ЁР БЎЛСИН!

Янги йил оқшомида шаҳримизга ташриф бузган қўлаб меҳмонлар, хорижий биродарларимиз ҳам иштирок этишди. Табиийки, уларнинг дилларига эзгу тилаклар, байрам табриқлари бўлади. Биз бир гуруҳ меҳмонларнинг Янги йил тилакларини билан қизиқдик.

• Нолвара Маъруф, Афғонистоннинг Кобула шаҳридан, журналист: — Тошкентга келган дастлабки қўлаб меҳмонларимизнинг сўзлари мўъжаз бўлмоқдалар. Пойтахтнинг қайси жойида бўлмайдик ўзбек халқи очик қўнғилиқ билан кўтиб олинаётган. Бу эса уларга бўлган муҳаббатим, самимий

ҳурматимни ўн чандон ошириб юборди. Айниқса байрам кунлари Тошкент жуда ҳам чиройли, ажиб бир нур ичрада қоларкан. Эшитириладиган байрам сўзлари, турли эртанг кўргазмалари иштирокдаги тоғшарлар қалбимга олам-олам завқ бағишлайди.

1995 йил Ўзбекистонда кут-баракка, ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар олиб қиришини тилаб қоламан. • Мухаммад Амин, Бирлашган Араб Амиратлари, сайёх: — Янги йил оқшомларини кўп кузатганиман. Олдига байрам арафасида кор егади. Олпоқ оқараётган бордикни ўзбек халқининг бегўбур қалбига ўхшатим келди. Мустақил республикамизнинг қўлаб диққатга сазовор жойларини бориб кўрдим. Шаҳарлар орасида Тошкент фуқуқдор, тароватли ва чиройи билан йўқ ажралиб туради. Ушбу сўлим гушлада ортирган ажойиб

дўстларим билан Янги йил байрамини туқни дастурхон устида байрам нишонлаймиз. Бу мен учун катта бахт.

• Меҳари Мелаку Госсий, Америка Қўшма Штатлари Миссиясини шаҳридан, аспирант: — Табиийки, ҳар бир юртда байрамга элнга хос тайёргарлик қурилади. Тошкентда Янги йил яқинлашадиганини дарҳол сезаман. Кўнглик арча кўтариб қолади, меҳнат жаноналари ва хондонлар қувончга тўлади. Мана беш йилдирки, ушбу байрамни ўзбекистонликлар билан бир кутиб оламиз. Соят 24 га занг урганда эзгу тилаклар, олқишлар айтайлади. Шундан сўнг ўйин-кутуғу авжига чиқади. Сух ат чорда ўз юртим ва гузал Тошкентдан олган таас-суротларим ҳақида гапириб бераман.

Дилан ОРОМ эзиб олади.